

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЕТОВ НУРСЕИТ АЛИЖАН ЎҒЛИ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бекетов Нурсеит Алижан ўғли

Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқариш технологияларини такомиллаштириш..... 5

Бекетов Нурсеит Алижан угли

Совершенствование технологии организации и управления воспитательной работой в общеобразовательных школах 29

Beketov Nurseit Alijanov ugli

Improvement of technologies of organization and management of educational work in secondary schools..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 59

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЕТОВ НУРСЕИТ АЛИЖАН ЎҒЛИ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Ped3334 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботирова Шахло Исамиддиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Қодиров Қувондиқ Айтбаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41 e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Н. Ходжамқулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., доцент

Ф.Т. Ражабов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, г.ф.б.ф.д. (PhD)

Б. Бойметов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимининг замонавий тараққиёти бутун дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Глобаллашув ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳодиса сифатида дунё ҳамжамияти олдига долзарблиги ва аҳамияти тобора ортиб бораётган ўзига хос замонавий талабларни қўймоқда. Бундай шароитда таълим тизимиغا глобал стратегик мақсадларга эришиш, фан ва техника тараққиётида илгари кузатилмаган марраларни забт этиш, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Дунё ҳамжамиятида миллий чегараларнинг “ювилиши” ва тамаддунлар тўқнашуви билан боғлиқ миллий ўзлик ва қадриятларга қарши ғоявий таҳдидлар кучаяётган бугунги шароитда ҳар бир миллат ва жамият ўзлигини ҳамда миллий анъаналарини сақлаш масаласи долзарбланимоқда. Бунинг натижасида дунё ҳамжамиятида ёшларни юксак салоҳиятли мутахассислар сифатида тайёрлаш, уларнинг онг ва шуурида миллий манфаатларни мудом ҳимоя қилишга бўлган интилиш ва хайрихоҳлик кўникмаларини шакллантириш, миллий тарбия тамойилларидан оғишмайдиغان ёшларни тарбиялашга зарурат ортмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида замонавий педагогик парадигмаларга асосланган ёндашувлар воситасида ва дунёда кузатилаётган ўзгариш ҳамда жамият талабларига мос ҳолда таълим-тарбия жараёнларини ташкил қилиш, бу борада модернизацион дидактик тизимни шакллантириш воситасида таълимий ва тарбиявий жараёнлар сифатини оширишнинг самарали усуллари яратиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш, ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий компетентлигини мотивацион ва когнитив даражаларга мос ҳолда ривожлантиришнинг назарий асосларини яратиш, тарбия жараёнини ҳам шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ташкил қилишнинг педагогик шарт-шароит ва имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий ишларни самарали ташкил қилиш ва бошқаришнинг амалий механизмларини такомиллаштириш тадқиқотчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг бугунги шиддат билан ўзгараётган замон талабларига мос назарий асос ва амалий механизмларини яратиш, мазкур масалани педагогик-психологик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий аспектда атрофлича ўрганиш педагогик таълимнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида тарбиявий жараённинг узлуксизлик ва узвийлигини таъминлаш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, масъулиятлиқ, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий маданият кўникмаларини босқичма-босқич шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ёшлар тарбияси мамлакатимизда кенг

кўламда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан эканлигини таъкидлаган ҳолда бу борада қуйидаги фикрларни билдирган: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улўф зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.¹ Юртбошимизнинг мазкур фикрлари халқ таълими тизими ходимлари олдига умумтаълим мактабларида тарбия жараёнини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Тарбияда сифат ва қулайликни ошириш, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахсни тарбиялаш, юрт ва миллат келажагига дахлдор мазкур жараёнга нисбатан илмий ёндашувни қарор топтириш муаммони назарий асосда чуқур тадқиқ этишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда таълим ва тарбия жараёнини замонавийлаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш, унинг назарий асослари ва

¹Президент Ш.Мирзиёевнинг халқ таълими вакиллари билан учрашувдаги нутқидан. 2017 йил 16 июнь. <https://uz.uz/posts/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017>

методикаси, тарбия функцияси ва уни режалаштириш, синф раҳбарларининг тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги ўрни ва аҳамияти, умумтаълим мактабларида тарбиявий фаолият йўналишлари каби масалалар М.Ваҳобов, У.Бегимқулов, М.Қуроноф, О.Мусурмонова, Ш.Қ.Мардонов, О.Жамолиддинова, У.И.Маҳкамов, М.Маҳмудов, С.Нишонова, М.Юлдашев, О.Ҳасанбоева, Б.Аъзамова, М.Қурбонова, Р.Сафарова, Р.М.Сарсенбаева, Н.Р.Ашуроваларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида мактаб тарбиявий жараёнининг марказий шахсларидан бири сифатида синф раҳбари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, тарбиявий ишлар методикаси, тарбия жараёнини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ташкил қилиш, мактаб тарбиявий фаолияти мазмуни, ўқувчиларни тарбиялашда ҳамкорлик механизмлари Ж.М.Болошенко, А.Э.Мельникова, Р.И.Пенькова, М.И.Рожкова, В.П.Созонова, Ф.А.Бобков, А.В.Иванов, Н.К.Гончаров, Н.П.Аникеева, Г.В.Винникова, Ҳ.А.Измаилова, И.П.Иванов, Л.А.Каримова, Т.Е.Конникова, Л.И.Новикова, Н.Л.Селиванова, С.Д.Поляков, В.А.Караковский, Л.И.Новикова, О.С.Газман, Н.Н.Михайлова, Э.Н.Степанов, Н.Е.Щурковалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан А.Колберг, Ж.Сачс, Ж.Пиаже, А.Тоом, Д.Б.Зильберман, Т.Астин, М.Ретзл, Л.Стамм, П.Ланг, В.Кларк, Слоан, Далтонларнинг тадқиқотларида мактаб тарбиявий иш шакллариининг жамият талабларига мос ҳолда ўзгарувчанлиги, ўқитувчи-тарбиячи шахсини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари, синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятни ташкил қилишдаги роли каби масалалар ўз ифодасини топган.

Глобаллашув шароитида умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришга қўйилаётган талабларнинг ўзгариши, тарбиявий иш йўналишлари, шакллари, воситалари ва механизмларини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларининг тарбиявий фаолиятни ташкил қилишга нисбатан масъуллигини ошириш, тарбиявий фаолиятда ҳамкорлик механизмларини кучайтириш масалаларини илмий-назарий ва амалий-методик нуқтаи назардан ўрганишга бўлган зарурат мазкур диссертациянинг мавзусини белгилаб берди.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган (2018-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ижтимоий омиллари ва педагогик функцияси мазмунини аниқлаштириш;

умумтаълим мактабларида тарбиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий йўналишларини аниқлаштириш, ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

глобаллашув шароитида ёшлар тарбиясини ташкил этишнинг функционал моделини ишлаб чиқиш;

тарбиявий ишларни ривожлантириш механизмининг дидактик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро вилояти Бухоро тумани 34, 36-мактаблари, Қашқадарё вилояти Қарши тумани 5, 60, 61-мактаблари ва Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри 9, 11, 13-мактабларининг жами 533 нафар респондент-ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш жараёнини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билиш назариясининг адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий таққослаш, анализ, синтез), диагностик (сўровлар, кузатиш, тест, суҳбат), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш) ва педагогик эксперимент (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) каби методлар мажмуидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ижтимоий омиллари ва педагогик функцияси глобал ва тинчлик учун таълим ғоясига устуворлик бериш орқали умуминсонийлик тамойилини замонавий ўқувчига қўйилаётган талабларга ассосация интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

тарбиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ва ҳамкорлик механизмлари ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ва ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, таълим муассасаси ва б.) ўртасида ўзаро интегротив, мақсадли ва тизимли ҳамкорликни қарор топтириш асосида ишлаб чиқилган;

глобаллашув шароитида ёшлар тарбиясини ташкил этишнинг функционал модели ўқувчилар когнитив фаолиятининг алгоритмик босқичларини жамиятнинг ўзгарувчан талабларидан келиб чиққан ҳолда мактаб тарбиявий фаолиятига мувофиқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

тарбиявий ишларни ривожлантириш механизмининг дидактик таъминоти замонавий ўқитувчи профессиограммасини глобаллашувнинг парадоксал ёндашувларига таълим ва тарбия омили ракурси ҳамда давр жараёнларига мувофиқ уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Умумтаълим мактабларида тарбиявий фаолият самарадорлигини ошириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

глобаллашув шароитида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг дастурий таъминоти (ўқув-услубий қўлланма, методик мажмуа, технологик ишланма) ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида тарбиявий соатларни ташкил қилишга йўналтирилган интерфаол амалий дарс ишланмалари яратилган;

тарбиявий ишларни ташкил қилиш механизмларини амалиётга жорий этишнинг услубий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, республикамиз ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотларига таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти умумтаълим мактаблари тарбиявий фаолиятини ривожлантиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари, тарбиявий ишлар мазмунининг педагогик-психологик хусусиятлари, умумтаълим мактаблари тарбиявий фаолият йўналишлари аниқланганлиги, тарбиявий фаолият механизмларининг замон талабларига мувофиқ такомиллаштирилганлиги ва таклиф қилинаётган механизм ва технологияларнинг илмий асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-методик хулосалар, яратилган ўқув-услубий мажмуа, дастурий таъминот ва интерфаол амалий дарс ишланмалари, уларни амалиётга жорий этишга қаратилган услубий таъминот материалларидан таълим муассасаларининг тарбиявий ишлар билан боғлиқ фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

глобаллашув жараёнининг умуминсонийлик, яхлитлашув, замон ва макон бирлиги тамойилларини замонавий ўқувчига қўйилаётган ташкилотчилик, коммуникатив ва гностик малакалар ҳамда когнитив, дидактик, академик ва перцептив қобилиятларга интеграциялаш асосида аниқлаштирилган умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ижтимоий омиллари ва педагогик функцияси бўйича хулоса ва таклифлардан умумий ўрта таълим мактаблари тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда “Тарбия” ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166-буйруғи (рўйхат рақами 166-155). Натижада, умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни замонавий талабларга мос ҳолда ташкил қилиш ва бошқаришга хизмат қилган;

ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ва ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, таълим муассасаси ва б.) ўртасида ўзаро интегратив, мақсадли ва тизимли ҳамкорликни қарор топтириш асосида ишлаб чиқилган тарбиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ва ҳамкорлик механизмлари бўйича амалий таклиф ва методик тавсиялардан А1-ХТ-0-92997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий – ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳада доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2022 йил 18 майдаги 123/1-сон далолатномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилишда ҳамкорлик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчилар когнитив фаолиятининг танишув-билиш, тушуниш-қўллаш, таҳлил қилиш-умумлаштириш, рефлексия-баҳолаш каби алгоритмик босқичларини жамиятнинг ўзгарувчан талабларидан келиб чиққан ҳолда мактаб тарбиявий фаолиятига мувофиқлаштириш асосида ишлаб чиқилган глобаллашув шароитида ёшлар тарбиясини ташкил этишнинг функционал модели ва замонавий ўқитувчи профессиограммасини глобаллашувнинг парадоксал ёндашувларига таълим ва тарбия омили ракурси ҳамда давр жараёнларига мувофиқ уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган тарбиявий ишларни ривожлантириш механизмининг дидактик таъминоти бўйича билдирилган хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган Ф3-2016-09081165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” фундаментал лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоқ филиалининг 2022 йил 18 майдаги 123/1-сон далолатномаси). Натижада, ёшлар тарбиясида глобаллашув омилини ҳисобга олиш ва уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш ғояси асосида бойитилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 9 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та ДГУ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тадқиқотининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларнинг педагогик-психологик тадқиқот тадрижи, хусусиятлари ва омиллари таҳлил қилинган, умумтаълим мактабларининг тарбия функциясининг мазмуни ва уни режалаштириш тамойиллари ёритилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида тарбия жараёнини такомиллаштириш диалектиканинг ривожланиш қонуниятига асосан узлуксиз давом этадиган жараён ҳисобланади. Чунки тарбия ўзининг йиллар давомида шаклланган мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоиси ва устувор тамойилларига таянган ҳолда ҳар бир давр учун хос бўлган ўзгача долзарб вазифалар ижросида ўзига хос шакл ва воситалар билан намоён бўлади. Ҳар бир даврнинг педагогика фани ва таълим-тарбия жараёнидан кўзлаган мақсади бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Ижтимоий-сиёсий тузум, фан-техника тараққиёти, жаҳон геосиёсий майдонида кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ижтимоий онг ва жамият талабларининг ўзгариши таълим ва тарбия олдига янгидан янги муаммоларни кўндаланг кўяди ва уни ҳал қилишнинг илмий ёндашувларини, усул ва технологияларини, шакл ва воситаларини излаб топиш педагогика фанининг долзарб муаммоларини даврга мос ҳолда ўзгартираверади.

Тарбия умумий ижтимоий-педагогик тушунча бўлиб, ўз атрофида ахалоқ, тартиб, интизом, ҳурмат, эҳтиром каби кўплаб инсоний фазилатларни жамлайди. Бу жиҳати билан тарбия ўз мазмун-моҳиятида инсонга хос бўлган сифатларни бирлаштирувчи умумижтимоий категория сифатида майдонга чиқади ва таркибий тузилиш нуқтаи назаридан мажмуавий характер касб этади. Шундай экан, тарбия ўрганилиши, тадқиқ этилиши, муҳокама ва мулоҳаза қилиниши лозим бўлган педагогиканинг жиддий ва ҳатто айтиш мумкинки, бирламчи муаммолари сирасига киради.

Тарбия ижтимоий категория сифатида Шарқ мутафаккирларининг тадқиқот ва илмий муҳокама объекти бўлиб келган. Чунки тарбия кишилик

жамиятида инсонларнинг умумий манфаатини кўзлаган ҳолда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларини тартибга солиш мезонлари, восита ва шакллари мажмуидир. Тарбия омилисиз инсон ўз қавмининг табиатда мавжудлигини, яшашини, тараққий этишини фақатгина қийинлаштиради.

Ислом дини таълимотида тарбиянинг инсоний муносабатлар силсиласидаги ўрни ва аҳамияти мавзуси ўзининг энг мукамал тавсиф ва таърифини топган. Зеро, Ислом – тарбия динидир. Ислом таълимотининг асоси бўлган “Қуръони Карим” ва ҳадиси шарифларда инсоннинг ижтимоий моҳияти ва муносабатлар мазмуни тўлиқ очиб берилган ва бунинг учун зарур бўлган барча тарбия шакллари борасидаги тавсифларда комил инсон ғояси ўз ифодасини топган.

Марказий Осиёда илк ва иккинчи уйғониш даври намоёндаларининг маънавий-маърифий қарашларини Ислом таълимотидан алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шу жиҳатдан, уларнинг таълим ва тарбия борасидаги педагогик қарашлари Ислом маърифати ва таълимотига асосланади. Умуман, Марказий Осиё мутафаккирларининг инсоният, хусусан, Шарқ халқлари маънавий қадриятларига қўшган ҳиссасини куйидагича тасниф қилиш мумкин: 1) ақлий фаолият билан боғлиқ қадриятлар; 2) маънавий-руҳий қадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий қадриятлар; 4) бадиий-эстетик қадриятлар; 5) диний қадриятлар.

Тадқиқотда Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутафаккир аждодларимизнинг; А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Т.В.Ярлова, И.Н.Бабич, П.П.Семеонов, В.А.Шабунина каби рус олимларининг; А.Зуннунов, У.И.Маҳкамов, Ш.Қ.Мардонов, Н.Саидахмедов, Т.Ғаффорова, Р.М.Сарсенбаева, О.Ҳасанбоева, Н.Холйигитова, Д.Абдумажидова, А.Кенжабоев, С.А.Низомхонов, И.Мадаминов, Ф.Жуманова, Ж.Равшанов каби мамлакатимиз олимларининг таълим ва тарбия борасидаги қарашлари таҳлил қилинган ва уларга муаллифлик муносабати баён қилинган.

Дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёнлари шароитида умумий ўрта таълим мактабларининг тарбия функцияси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятлар, урф одатлар асосига қурилган тарбиягина бизни глобаллашаётган даврнинг салбий оқибатларидан ихоталаши, миллат сифатидаги ўзликимиз ва қиёфамизни сақлаб қолиши мумкин. Шундай экан, таълим муассасалари, хусусан, умумий ўрта таълим муассасалари тарбия жараёнига ҳозирги давр талаблари нуктаи назаридан илмий ёндашувни қарор топтириши, ўзининг тарбия борасидаги функцияларини янада аниқлаштириб олмоғи лозим бўлади. Ёшлар жамиятга умумий ўрта таълим мактаблари орқали қадам кўяр экан, мактаб табиат ва кишилик жамиятига оид далил ва хулосаларни танқидий таҳлил қилишга, улар асосида дунёқараш, интеллект ва креатив фикрлашга оид хулосалар чиқаришга ўргатади. У ёшларни аждодларимизнинг бой маънавий хазинаси ва эришилган лмий ютуқлар асосида миллий ғоя ишига жалб қилади, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тушуниш ва баҳолашга нисбатан фан ва илм нутаи назаридан ёндашишга ўргатади.

Глобаллашув шароитида ёшларни ғоявий жиҳатдан тўғри тарбиялаш умумтаълим мактабларида миллий ғояни англаш ва унга ҳурмат, ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш асосида йўлга қўйилади. Ҳозирги даврда миллий ғоянинг намоён бўлиш хусусиятлари, уни ўсиб келаётган авлод онги ва шуурига сингдириш ва бу жараёни педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Миллий ғоя ва унинг тарғиботи, мазмуни ва шакллари, миллий ғоянинг миллий мафкура билан ўзаро муносабати, унинг тарихий тараққиёти, тадрижий ривожланиши, миллий ғоянинг ижтимоий-тарихий мазмуни ва аҳамияти, миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишда миллий ғоянинг ўрни каби масалалар бир қатор файласуф олимлар, жумладан, Э.Юсупов², С.Отамуродов³, Н.Жўраев⁴, К.Туленова, М.Тиллаводдиева⁵, Б.Тўйчиев, Ж.Мавлонов, Ш.Пахрутдинов, Н.Шермухамедова⁶, А.С.Ачилдиев⁷ларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Биз яшаб турган замон ва маконда “алдамчи жилвалари” билан ўзига ром этувчи; матн, товуш ёки тасвир ортида бир қарашда англаш мумкин бўлмаган, аммо айрим гуруҳ ва жамоаларнинг ғаразли мақсадларини тарғиб этувчи пинҳона хуружлар мавжуд экан, жамиятимизни бу каби салбий таъсирлардан ихоталаш учун, хусусан, бу иллатнинг ёшлар онги ва дунёқарашига таъсирини камайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда ва бу чораларнинг самарадорлигини ошириш учун яна нималар қилишимиз лозим бўлади?

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш учун умумтаълим мактабларида ғоявий тарбияни такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) ёшларни ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик базаси билан таништириб бориш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

2) халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини ўстириш, ундаги ҳар қандай ахборотни тафаккур ва таҳлил қилиб, сўнг хулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур;

3) ёшларнинг ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, мамлакатимиз тўғрисида нотўғри, бир тарафлама ахборот тарқатувчи ҳар қандай хорижий ахборот воситалари фаолиятини танқидий таҳлил қилишга ўргатиш;

4) таълим муассасаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, ахборот хуружлари, унинг шакл ва кўринишлари, мақсади ва салбий оқибатлари борасида махсус курслар ўтилишини таъминлаш;

² Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, аҳамияти. – Шимкент. 2001 йил.

³ Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2018 йил.

⁴ Жураев Н. Мафкуравий иммунитет. – Тошкент: «Маънавият нашр», 2000 йил.

⁵ Туленова К., Тиллаводдиева М. Миллий ғояни фалсафий масалалари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ 2008 йил.

⁶ Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. . – Тошкент: «Инновация-Зиё», 2021 йил.

⁷ Ачилдиев А.С. Миллий истиклол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. - Тошкент: 2004 йил.

5) миллий ғоя, мафкура, маънавият, ватанпарварлик каби тушунчалар тарғиботи борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш.

Тадқиқот натижалари асосида умумтаълим мактаби тарбия ишининг йиллик режаси схемаси ишлаб чиқилди. У қуйидаги йўналишлардан иборат:

1. Умумтаълим мактаби тарбия ишининг бир йиллик таҳлили;
2. Тарбиявий жараённинг мазмуни ва уни ташкил этиш;
3. Ватанпарварлик, спорт ва санитария-гигиена борасидаги ишларни ташкил этиш;
4. Умутаълим мактаб ўқувчиларини тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил этиш;
5. Ўқитувчиларнинг ғоявий, сиёсий ва методик малакасини ошириш;
6. Умумтаълим мактаби тарбиявий ишининг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш.

Таълим-тарбия субъектларининг тарбиявий ишлар режаси ўзаро мувофиқлаштирилиши, ҳар бир субъектнинг функционал жавобгарлигидан келиб чиққан ҳолда бир-бирини такрорламаган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Умумтаълим мактабларидаги ҳолат ўрганилганда, директор ва директор ўринбосарининг иш режасида 40 фоиз, директор ўринбосари ва синф раҳбарининг иш режасида 52 фоиз, синф раҳбари ва ўқитувчининг иш режасида 43 фоиз мазмунан такрорлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳолат тарбиявий масалалар борасидаги ишларнинг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлигини кўрсатади. Айни пайтда ўқувчиларда тарбиявий масалалар бўйича олиб борилаётган ишлардаги такрорлар натижасида мазкур масаладан зерикиш, бепарво қараш билан боғлиқ руҳий ҳолатлар кузатилади.

Умуман, тадқиқотларимиз натижалари умумий ўрта таълим мактабларининг тарбия функцияси қуйидаги йўналишларда ташкил қилиниши лозимлигини кўрсатди: ғоявий тарбия йўналиши; ақлий меҳнат тарбияси; ахлоқий тарбия; эстетик тарбия; жисмоний тарбия; ўз-ўзини тарбиялаш; қайта тарбиялаш.

Тарбиявий ишларни режалаштиришда тадбирларни умумий ўрта таълим мактабларининг тарбия функцияси йўналишлари бўйича туркумланган ҳолда берилиши тарбия жараёнининг тизимли ташкил қилинишини ва муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Мактаб тарбиявий фаолият йўналишлари ва уларни такомиллаштириш”** деб номланади ва унда синф раҳбарлари тарбиявий ишларининг ўзига хос хусусиятлари, мактаб тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш методикаси, ўқувчиларни тарбиялашнинг ҳамкорлик механизмлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида жорий этилган ва ўзининг бир неча ўн йиллик ривожланиш босқичига эга бўлган синф раҳбарлари институти ўзини маълум маънода оқлаб келмоқда. Ҳарҳолда, умумтаълим мактабларида шу бугунга қадар унга муқобил лавозим шакли жорий этилмаганлиги мазкур лавозим ҳақида муайян ижобий хулосалар чиқариш

имкониятини беради. Умумтаълим мактабларида ўқитувчилар, оилада оналар ва жамоат жойларида кенг жамоатчилик томонидан бажариладиган тарбиявий вазифаларга қўшимча равишда синф раҳбарлари ўзи раҳбарлик қилаётган синф жамоасининг аҳиллигини таъминлаш, ўқиш ҳамда тарбиявий жараёнларга фаол жалб қилиш, ўқувчи шахсига мактаб, оила ва жамоатчилик таъсирининг бирлигини таъминлаш ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

Синф раҳбарлари тарбиявий жараёнда узлуксизлик ва изчиллик тамойилига асосан ишларни амалга оширишлари лозим. Шу маънода, биз синф раҳбарларини имкони даражасида алмаштирмасликни тавсия этамиз. Шунингдек, бошланғич ва ўрта синфлар орасидаги изчилликни таъминлашда соҳага масъул директор ўринбосари, бошланғич синф ўқитувчиси ва ўрта синф раҳбари биргаликда олиб бориладиган тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш масаласини кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда раҳбарият бошланғич синф ўқитувчилари ва ўрта синф раҳбарлари ўқувчиларининг тарбияланганлик даражасини яхши билишлари ва келгуси ишларни мана шу даражани ҳисобга олган ҳолда белгилашларига эришади.

Умумтаълим мактабларидаги тажриба ва тадқиқот давомида ўрганилган натижалар синф раҳбарларини алмаштириш чегараларини аниқлаш имконини берди. Унга кўра: 1-4 синф; 4-11 синф; 4-9 синф; 10-11 синф. Бу чегаралар умумий ўрта таълим босқичлари кесимида амалга оширилган бўлиб, уларнинг оралиғида синф раҳбарларини алмаштириш тавсия этилмайди. Чунки умумий ўрта таълим босқичлари мазкур таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошланғич (1-4-синфлар), умумий ўрта (5-9-синфлар) ва ўрта (10-11-синфлар) таълим турларига бўлинган ва уларнинг ҳар бири муайян даражада ўзига хосликларга эга. Синф раҳбари ўз фаолиятини ўзининг шахсий тажрибаси ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштиради. Синф раҳбарларининг тез ва ноўрин ҳамда тавсия қилинмаган муддатларда алмаштирилиши ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Тарбиявий жараёнлар ижтимоий ҳодиса сифатида муайян ғоя атрофида ташкил қилинади ва синф раҳбарларининг тавсия қилинмаган муддатларда тез-тез ўзгариши ўқувчилар тарбияси билан боғлиқ ғоявий чалғишларни келтириб чиқаради.

Тарбиявий ишлар тўғри ташкил этилса ўқувчиларда ижтимоийлашув жараёнлари осон кечади, шу билан биргаликда уларда спортга, турли фан соҳаларига, техникага ва касбга бўлган қизиқиш шаклланади. 3 синф ўқувчисида ўзининг идели шаклланади, бу унинг тенгдоши, ўқитувчиси, онаси ва бошқа кино қаҳрамонлари бўлиши мумкин ва ўқувчилар тенгдошларининг, шу жумладан, ўзининг ҳам хатти-ҳаракатларини шу нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳолайдилар. Бундан синф раҳбари унумли ва ижодий фойдаланиши мумкин. Шу тариқа бошланғич синфлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг хусусиятлари келиб чиқади.

Синф раҳбарлари юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда уларнинг ахлоқий тажрибасини фақат мактаб ҳаёти жараёнида эмас, балки уларнинг алоқа-аралашув доираларини кенгайтириш воситаси билан мустаҳкамланишига эришиш, ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларни

ахлоқ этикаси ва эстетикасини ўзлаштириш уларнинг ўқувчи сифатидаги фаолиятининг таркибий қисми бўладиган қилиб уюштириш муҳимдир.

Бу давр ўқувчилар учун дастлабки майлларнинг уйғониши, биринчи муҳаббат даври бўлиши билан ҳам масъулиятлидир. Ўқувчилар дўстлик, олижаноб иделларга содиқликка катта аҳамият берадилар. Шахсий муносабатларда софлик ва садоқатлиликини бузиш, фаолиятда ва мақсадга эришишда муваффақиятсизлик, кишилардан ихлоснинг қайтиши ёшларда оғир кечинмалар ахлоқий бузилишини келтириб чиқаради, асосланмаган умумлаштириш ва негатив қарашларнинг содир бўлишига олиб келади.

Юқори синф ўқувчиларида ўқитувчиларнинг, шу жумладан, синф раҳбарларининг фаолиятига нисбатан шахсий муносабатлари шакллана бошлайди. Улар ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг умумий маданиятини, эрудициясини юқори баҳоласалар-да, хусусий ҳолларда, бирор масаладан хабардор эмаслигини ҳам кечирадилар-у, аммо уларнинг бағритошлигини, лоқайдлигини, сўзи ва ишининг мувофиқ келмаслигини кечира олмайдилар. Шу сабабли ўқувчилар билан ички алоқани сақлай билиш, уларнинг кечинма ва изланишларини тушуниш, уларга ўз вақтида ёрдам бериш, қийин вазиятдан қутулишини кўрсата билиш юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда қўл келади. Ўқувчиларнинг интим қизиқишлари доирасига катталарнинг қўпол равишда аралашувлари ёшларни улардан узоқлаштиради, катталарнинг сўз ва масалаҳатларига нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради. Юқори синф ўқувчиларини тарбиялаш катталардан ўта нозик муносабатни талаб этади.

Ўқувчиларни ҳар томонлама уйғун камол топтириш мақсади ва уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, синф раҳбарлари бир қатор аниқ масалаларни ҳал қилишлари лозим бўлади:

- ўқувчилар ривожланишининг барча ёш босқичларида синф жамоаси муҳити ўзгаради, уларнинг таркиби такомиллашади, аъзоларнинг ҳаётий тажрибалари бойийди, булар синф раҳбарлари тарбиявий фаолиятининг мазмуни, шакл ва методларида муайян ўзгаришлар бўлишини тақозо этади;

- синф раҳбари мактаб ўқувчиларида теварак-атрофга қизиқиш уйғотади, уларнинг қизиқувчанлигини қондиради, уларда дунёқарашни шакллантиради, меҳнатсевар ва ишчан, ўзининг ижтимоий бурчини биладиган, адолатли ва соф, нолайиқ хатти-ҳаракатлар, ҳаётдаги салбий ҳодисаларга лоқайд қараб тура олмайдиган қилиб тарбиялашлари лозим.

Тарбиявий ишга мактаб ичида раҳбарлик қилиш синфлар бўйича ўқитувчилар ва синф раҳбарларини жойлаштириш, мактаб ва айрим олинган синфнинг хусусиятларидан тарбияланганлик даражаси, ўқувчилар фаоллигидан умумий ва хусусий тарбиявий вазифаларини эътиборга олган ҳолда, мактаб, синфларда олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг энг муҳим йўналишларини аниқлаштириш сингари асосий, ўзаро узвий боғланган элементлар билан характерланади. Ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг тарбиявий ишларга раҳбарлик қилишида ташкилотчилик иши (тарбиявий ишларни режалаштириш, ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг ишларига кундалик ёрдам, методик кўрсатмалар бериш) муҳим ўрин тутаяди.

Директорнинг ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг иши, шунингдек, айрим ўқувчиларнинг ривожланишидаги ўзгаришларни мақсадга йўналтирилган мунтазам кузатиши, тарбия жараёнига мактаб ичида раҳбарлик қилишнинг ажралмас қисмидир. Белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текширишдан мақсад ўқитувчилар ва синф раҳбарлари ишидаги салбий ҳолатларни аниқлаб, кейин улар ҳақида навбатдаги педагогик кенгашда гапириш эмас, балки таълим жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда тарбия ишини такомиллаштириш, бу ишдаги энг яхши тажрибаларни ёйишдан иборат. Синф раҳбарларининг тарбиявий ишларини шахсан назорат қилишни жамоат ташкилотлари (ота-оналар кенгаши, методбирлашма, касаба уюшмаси ва ҳоказо)нинг назорати билан қўшиб олиб бориш лозим.

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ижтимоийлашуви ва бу борадаги ривожланиш чегараси ўзгарувчан бўлиб, мазкур ривожланиш жараёнига раҳбарлик қилиш масъулияти ҳам ҳаракатчан педагогларни мазкур ишда энг муносиб натижаларга эришишга, ўқувчиларни эса фаол равишда ўзини-ўзи камол топтиришга ундайдиган бўлиши лозим. Мактаб фаолиятидаги раҳбарлик турли вазиятларда тарбия жараёнининг бориши ҳақидаги маълумотларни тўплаб қайта ишлаш, тарбия жараёнининг боришини назорат қилиш дастурини ишлаб чиқиш, мазкур жараённи такомиллаштиришга тегишли кузатиш ва тавсиялар киритишни ўз ичига олади.

Умумтаълим мактаблари тарбиявий жараёнига раҳбарлик қилиш қўйидаги вазифаларни ўз ичига олади: маъмурий вазифалар; илмий-ташкилий вазифалар; ходимларнинг малакасини ошириш вазифаси. Тадқиқотда мазкур вазифалар батафсил тавсифланган.

Ўқувчиларни миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги иши бўйича синф раҳбарлари метод бирлашмаларининг иш режасини синтетик қурилиш намунаси сифатида келтириш мумкин. Унда 5-8 ва 9-11-синфлар бўйича қўйидаги иш турларининг ўрин олиши мақсадга мувофиқ (иккинчи ярим йиллик) (1-расм)

№	5-8-синфларнинг синф раҳбарлари	9-11-синфларнинг синф раҳбарлари
Январь		
1	Иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш
Февраль		
1	Синфда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга нисбатан тўғри жамоатчилик фикрининг шаклланиши.	Синфда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга нисбатан тўғри жамоатчилик фикрининг ривожланиши.
2	7-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти	10-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти

Март		
1	Ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбияси юзасидан Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкilotининг назорати	Ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбияси юзасидан Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкilotининг назорати
2	5-6-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти	9-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти
Апрель		
1	Ватанпарварлик нуқтаи-назаридан ўқувчилар шахсини ўрганиш ва синф раҳбари ҳамда фан ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ишида уларга индивидуал ёндашиш	Ватанпарварлик нуқтаи-назаридан ўқувчилар шахсини ўрганиш ва синф раҳбари ҳамда фан ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ишида уларга индивидуал ёндашиш
2	8-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти	11-синфлар синф раҳбарларининг ўз ишлари ҳақидаги ахбороти

1-расм. Ўқувчиларни миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги иши бўйича синф раҳбарлари метод бирлашмаларининг иш режаси

Тарбия ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида жамият ижтимоий тузилмаларининг ўзаро таъсири натижасида ривожланади. Хусусан, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг комил инсон сифатида тарбияланишида оила, маҳалла, мактаб, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектлари, нодавлат-нотижорат ташкilotлари, умуман, кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш яхши самара беради. Мазкур субъектлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизмларини такомиллаштириш, болалар тарбиясидан уларнинг ҳар бири манфаатдор бўлишига олиб келувчи усул ва йўللارни излаб топиш, ҳамкорликда вазифа ва функциялар масаласига аниқлик киритиш каби талай масалалар илмий асосланган хулосаларни талаб қилади. Демак, кенг педагогик илмий жамоатчилиги мазкур технология ва механизмлар, усул ва йўللари, функция ва вазифаларни аниқлаштиришга қаратилган жиддий илмий тадқиқотлар олиб боришлари бугунги кун педагогикасида зарурат сифатида майдонга чиқмоқда.

Бугунги кунда таълим ва тарбияга бевосита ва билвосита алоқадор субъектларнинг ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига салбий таъсир этувчи айрим омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Ота-оналар томонидан таълимни мактаб ўқитувчилари зиммасига ташлаб қўйиш.

2. Ўқитувчилар томонидан тарбияга ота-оналар зиммасидаги вазифа сифатида қараш.

3. Ота-оналарнинг мактаб муҳити, ўқитувчилар, у ерда амалга оширилаётган таълимий ва тарбиявий ишлар борасида ўз фарзандларининг фикрлари асосида хулосаларнинг шаклланиши.

4. Ота-оналарнинг мактабга мунтазам ташрифи ва фарзандларининг таълим ва тарбиявий ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиши билан боғлиқ муаммолар.

5. Маҳаллаларнинг шу ҳудудда истиқомат қилувчи болалар тарбиясига жиддий эътибор қаратмаслиги (Буни кўпроқ ота-оналар ва мактаб зиммасига ташлаб қўйиши).

6. Мазкур учта субъектнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ва амалий жиҳатдан жуда оптимал бўлган аниқ механизмнинг ишлаб чиқилмагани.


7. Таълимга билвосита алоқадор субъектларнинг (нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектлари ва ҳоказо) таълим-тарбия жараёнига аралашувининг йўқлиги.

Умуман, бу омиллар умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир бола ва унинг атрофидаги шахсий ижтимоий муҳитнинг ўзига хослиги билан боғлиқ равишда муайян қўшимчаларга ҳам эга бўлиши мумкин. Аммо умумий характердаги ушбу омиллар барча субъектлар учун бирдек тааллуқли, дейиш мумкин.

Тарбия жараёнига таъсир этувчи субъектларни мажбурий равишда жараёнга олиб кириш кутилган натижани бермайди. Қачонки, бу ишга ўша субъекталр хайрихоҳлик билдирса, виждонан ёндашса, ёшлар тарбияси миллат келажаги ва бардавомлигини таъминловчи омил эканлигини онгли равишда ҳис этса натижа самарали бўлиши мумкин. Шундай экан, умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва маҳалла фаоллари орасида тарбиянинг миллий жамият ривожига ўрни ва ролига оид тушунчаларини кўтариш, уларнинг фаолиятида бу энг муҳим масалалардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Ёшларга бегона кўзи билан қараш тушунчасини уларнинг онгидан чиқариш чораларини кўриш лозим.

Оиланинг маънавий соғлом ва ғоявий барқарорлиги унда вояга етаётган ёшларнинг тарбиясига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш ва у ерда ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш масаласига бир пайтнинг ўзида умумтаълим мактаби ва маҳалланинг таъсир кўрсатиши борасида аниқ амалий механизмлар ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаган. Мазкур механизмда умумтаълим мактаби оилага педагогик таъсир кўрсатишни, маҳалла эса ижтимоий-маънавий таъсир кўрсатишни ўз бўйнига олиши лозим. Мактаб ва оила, мактаб ва маҳалла ва маҳалла ва оила ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, умумий манфаат учун ҳаракатдаги жамиятнинг алоҳида субъектлари бўлиб, уларнинг ўзаро узвий алоқада бўлиб амалга оширадиган, ҳар учаласи бирдек масъул бўлган умумий функциялари мавжуд (2-расм). Бизда кўпинча, умумтаълим мактабига ота-оналарнинг ёки маҳалланинг таъсири борасида кўп гапирилади, аммо акс таъсир ва унинг имкониятлари тадқиқот объекти сифатида деярли ўрганилмаган. Умумтаълим мактаби ўзи жойлашган микро

худуднинг асосий маърифат маскани сифатида у ердаги маҳалла ва оилаларга ўз таъсирини ўтказиши лозим.



2-расм. Мактаб, оила ва маҳалланинг ўқувчи шахсини тарбиялашдаги функциялари

Тадқиқот давомида баркамол шахсни тарбиялашда оила, таълим муассасаси ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари ҳам аниқлаштирилди.

Тадқиқотда эришилган натижалар асосида баркамол авлодни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш механизми ишлаб чиқилди. Унда методологик асосларни яратиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва уларнинг салбий оқибатларига қарши қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ва тарбиявий ишлар бўйича олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ва уларнинг мазмунини такомиллаштириш борасида механизм мазмуни, натижалар ва бу жараёнга масъуллар ўз аксини топган.

Тарбиявий фаолиятни тўғри ва самарали ташкил қилиш умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг етуклиги ва савиясига боғлиқ. Ўқитувчининг етуклиги билимнинг асослилиги ва ижодий қобилияти билан белгиланади. Бу ерда биринчи шарт талабалик даврининг ҳосиласи бўлса, иккинчиси жуда мураккаб бўлиб, ўқитувчи шахсининг негизига, интеллектуал ҳолатига дахлдордир. У мактабда ва олий ўқув юртида шаклланади, бироқ педагогик меҳнат жараёнида батамом таркиб топади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Глобаллашув шароитида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг функционал модели татбиқи ва унинг самарадорлиги”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган модел ва унинг таълим амалиётига татбиқи, педагогик

тажриба-синов ишлари мазмуни ва математик-статистик таҳлили амалга оширилган.

Жамият тараққиёти миллий ғоя ва мафкура тушунчаларига уйғун ҳолда содир бўладиган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Бу тушунчалар фуқароларда миллий кадриятларга асосланган тарбия ва замонавий билимлар беришга асосланган таълим воситасида шаклланиши мумкин. Миллий ғоя тезда содир бўладиган ҳодиса эмаслигини инобатга олсак, унинг замирида шу миллатга мансуб бўлган жуда узоқ йиллик тарихий тараққиёт тажрибаси, урф-одат ва кадриятлар тизими мавжуд эканлиги ойдинлашади. Демак, миллий ғоя ва мафкура ўзида шу миллатнинг тарихи, дунёқараши, интилишлари ва бой маънавиятини мужассам этади.

Инсоният тараққиётининг бугунги босқичини глобаллашув жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув жараёни инсоният олдига қутилмаган муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Бугунги кунда ўзаро таъсирлардан тўла ҳимояланган минтақа ёки давлатни топиб бўлмайди. Глобаллашув жараёни мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий ва диний соҳалардаги салоҳияти, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва жамиятда ахборот технологияларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ равишда турлича кечади. Бугунги кунда инсоният олдида глобаллашувнинг салбий оқибатларидан тўғри ҳимояланиш ва унинг ижодий жиҳатларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ жиддий муаммо кун тартибига чиқмоқда. Чунки инсоният энди глобаллашув жараёнидан воз кеча олмайди ва унинг ривожланиши мазкур геосиёсий ҳодиса билан боғлиқ равишда кечади. Мазкур ҳодисанинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш учун унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва ривожланиш анъаналарини атрофлича таҳлил қилиш талаб қилинади.

